



ҒАЛАБА БАЙРАМИНИҒИЗ БИЛАН, АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 90 (4549).

9

М А Й

СЕШАНБА

1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

Бугун элимизда катта шодона — улуғ Ватанимиз тарихи саҳифасига олтин ҳарфлар билан битилган шонли Ғалаба кун.

Бир янги тўрт юз ўн саккиз кун давом этган ҳаётоват улуғ Ватанимизнинг эркин, ҳалқларнинг зафари билан янгилади, қонкур душманининг боши ўз уясида янчили.

Бу ғалаба Ватанимизни кулликка тушиб қолмасдан дахшатли ҳафдан ҳалос қилди ва Европадаги кўнгина халқларни фашизм зулмидан озод этди.

Урушнинг бошланган герман фашизми дунёда биринчи социалистик давлатни йўқ қилиб ташлаш, совет кишиларини миллий мустақилликдан маҳрум этиш, ўн миллионлаб руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа СССР халқларини қириб ташлашни кўзда тутган эди.

Шунинг учун ҳам шиддатли жангларда ўз она тупроғини, ўз овозини ва мустақиллигини мағнабат билан ҳимоя қилган халқимиз бу урушнинг улуғ Ватан уруши деб, у тамом бўлган кунини эса буюк байрам — Ғалаба кун деб атади.

Ғалаба йўли жуда машаққатли бўлди. Совет кишиларига ҳам мағлубият мусибатини, ҳам фашист тўқтинлиги азобини тортишга, авлодлар меҳнати билан бунёд этилган кўнгина бойликларини йўқотишга тўғри келди. Улуғ Ватан уруши Ватанимиз ўз бошидан кечирган урушларининг энг оғири бўлди.

Уш аср давларида совет кишилари жонанжон Коммунистик партия атрофида яна ҳам мустақамроқ жиплашгани, бир кишидек сезилган Ватан ҳимоясига отланишди. Совет меҳнаткашлари партиянинг «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!» деган шioriни янгилик билан қўллаб-қувватладилар. Бу эса мамлакат иқтисодини мисли қўрилмаган тизимда ҳарбий эрга тушириб юборди. Уралда, Сибирда, Зага Осёда жуда кичик муҳлатларда янги саноат корхоналарини янги тузишди, кул-яроқ, ўқдор ва ҳарбий ашёларни янги чидаришди йўлга қўйиш имконини берди.

Советлар мамлакатининг улуғ Ватан урушидаги ғалабаси бутун дунё меҳнаткашларига социалистик давлатнинг сиёсатини кучкудратини кўрсатди. Бу Ғалаба Ватанимиздаги миллиятлар буюк дўстлигининг мисли қўрилмаган даражада мустақамлиги билан изоҳланади. Коммунистик партия дунёдаги миллий сиёсатини доимо изчил амалга ошириш натижасида ана шундай энгилмас дўстлигини

вуҳудга келтира олди. СССР қардош халқларининг жипслиги душманининг кўпмиллатли давлатимиз ички заифлигига боғланган умидларининг кўнлини кўкка соғурди.

СССР халқлари бир сафда туриб, Ватанимизнинг ҳар бир қирчи тупроғи учун жон фидо қилдилар. Москва ва Ленинград остоналарида, Волга бўйи ва Днепрда, Курск ва Болтиқ бўйида бўлган дахшатли жангларда Совет Қуролини Кучлари душманини ер билан лисон этди. Армиямиз сафларидаги барча миллат ўғил-қизлари мислиси оммавий ва чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Босқинчиларни то Берлинга қадар шиддат билан қувиб бориб, Рейхстаг устига Ғалаба байроғини ўрнатилган қадар олиб боришган жангларда қатнашган жангчи ва командирлар сафида жуда кўп ўзбек ўғлонлари бўлганлиги билан фахрланамиз. Ўзбекистоннинг ўғил-қизларидан 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак номин олди, мингмиглаб жангчи ва командирлар орден ва медаллар билан тақдирланди. Собир Раҳимов, Ботир Бобоев, Муллажон Узоқов, Мамадали Топилов, Солиқ Умаров, Абдулла Қурбонов каби чинакам қаҳрамонлар ўз номларини шон-шухратга қўладилар. Халқимиз Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган фарзандлари хотирасини абадий ёддан чиқармайди.

Уруш йилларида Ўзбекистон ҳамма фронтларда фашист ғалааларини тор-мор қилиб турган Совет Қуролини Кучлари учун жанговар қадрлар тайёрлаб берувчи катта манба бўлиб қолди. Республикада бир неча ўқини дивизиялар, кавалерия дивизиялари, алоҳида ўқини бригадалар ва бошқа ҳарбий қисмлар тузилди. Бу ҳарбий қисмлар жанг майдонларида сўнмас шухрат қозонди.

Совет Иттифоқининг улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг илҳомини ва ташкилотчи Коммунистик партия бўлди. Партиямиз халқимизни немис-фашист босқинчиларига қарши курашга отлангирлигига қўлмай, уруш даврининг энг қийин вазифаларини ҳам муваффақиятли ҳал этди.

Партия фронтга юзлаб энг яхши фарзандларини юборди. Партия сафлари уруш йилларида тўтовиса, ўсим, мустақамлашиб борди. 1945 йил баҳорига келиб ҳар тўрт совет жангчисининг бири коммунист эди, коммунистлар ҳамма вақт олдинда бордилар. Улар шахсий намуна ва отилиш сўзлари билан бошқа жангчиларини орқаларидан эргаштирдилар.

Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германияси устидан Ғалабаси халқаро майдонда кучлар нисбатини социализм фойдасига ўзгартирди. Жаҳон социалистик системасининг вуҳудга келиши империализм фронтини таназзулга учраганини кўрсатди. Совет Иттифоқининг улуғ Ватан урушидаги ғалабаси Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида, шунингдек, Осиё мамлакатларида кучли революцион ҳаракатининг аж олиб кетишга ёрдам берди: у шармандалик мустақамла системасининг тугатилиш жараёнини тезлаштирди.

Улуғ Ватан урушининг якуни шу нарсани ишонч билан исботладики, социализмни энга оладиган, марксизм-ленинизм ғояларига содиқ, социалистик Ватанга садоқатли, ленинча партия теваригига жиплашган халқини энга оладиган куч дунёда йўқ. Бу империалист агрессорлар учун тарихнинг унутилмас сабоги бўлиши лозим.

Жонанжон партиямиз ва ҳукуматимиз жаҳонда тинчликни сақлаш йўлида астойдил кураш олиб бориб, Совет Қуролини Кучларининг қудрати ва жанговар ҳолатини мустақамлаб боришни ҳам унутмапти. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезди минбаридан туриб гапирганидек, «Халқ яратган нарсаларининг ҳаммаси қаттиқ ҳимоя қилиниши керак. Совет давлатини мустақамлаш — унинг Қуролини Кучларини ҳам мустақамлаш, Ватанимизнинг муҳофаа қилиниши бутун чоралар билан қувайтириш демекдир. Биз, босқинчи дунёда яшар ақалимиз, бу вазифа энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади!».

СССР Қуролини Кучлари коммунизм қурувчиларининг яратувчилик меҳнатини сержак қўриқлаб турибди. Партиямиз халққа садоқат руҳида тарбиялаган совет жангчилари ўз давлатининг халфсизлигини постиди хушёр турибдилар, агар империалистик агрессорлар СССРга, социализм лагерига ҳужум қилишга журъат эллаган бўлсалар, улар ҳар қачон ҳам душманга қақшатқич зарба беришга тайёрдилар.

Бугунги Ғалаба айёмида улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимизнинг овозининг қаттиқ туриб ҳимоя қилган барча фронтларига, соддат ва командирларга, уларнинг шонли ишлари муваффақиятли давом эттираётган армия ва флотимиз жангчиларига туганмас меҳру муҳаббатимизни изҳор қиламиз.



СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

Москва шаҳри.

№ 98

1972 йил 9 май.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Прапорщик ва мичман ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар! Армия ва Флот ветеранлари, улуғ Ватан урушининг барча қатнашчилари!

Бугун, совет халқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният ғалаба байрамини нишонлайдилар. Бундан йигирма етти йил муқаддам Совет Қуролини Кучлари гитлерчиларнинг ғалааларини тор-мор келтириш натижасида фашистлар Германияси қақшатқич мағлубиятга учради ва ҳеч сўзсиз таслим бўлди. Бу — жаҳон империализмининг зарбдор кучлари устидан социализм кучларининг буюк ғалабаси эди.

Совет Иттифоқи утган урушнинг асосий оғирлигини ўз елкасида кўтариб чиқди. немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизнинг барча халқлари битта сафда туриб фронтда, партизан отрядларида қаҳрамонларча жанг қилдилар ва ўз социалистик Ватанини ҳимоя қилишни кўлаб мамлакат ичиди физикорона меҳнат қилдилар. бардамлик ва мардлик мўъжизаларини кўрсатдилар. Совет кишилари қилган шижоат абадий сўнмайди. Герман фашизмга қарши жанг қилган бошқа мамлакатларнинг халқлари ҳам душманини тор-мор келтиришдан иборат муштарак ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Совет халқининг улуғ Ватан урушидаги ғалабаси социалистик тузумнинг афзалликларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг буюк ҳаётий кучини ва қудратини ёрқин намойиш қилди. Герман фашизми, Сўғра эса япон империализми ҳам тор-мор қилинганлиги империализм позицияларини янада заифлатиришга олиб келди, бир қанча мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қилини, жаҳон социалистик системасининг вуҳудга келиши, халқаро илчи ва миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши учун шарт-шароит яратилишга ёрдам берди.

Бу йил ғалаба кунини шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги бўсағасида нишонланмоқда. Совет халқи бу улуғ байрамни Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари олға дадил бора туриб, монолит жиплашган ҳолда қутиб олмақда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар тўқтинчи беш йиллик планини ва совет жамиятини социал — иқтисодий ривожлантиришнинг КПСС XXIV съезди тузиб берган улуғвор программасини жуда баланд руҳ билан амалга оширишмоқда. Бизнинг социалистик ишлаб чиқаришимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсим бормоқда, унинг самардорлиги ошмоқда, халқ фаровонлигини яхшилашнинг янги муҳим тадбирлари амалга оширилмоқда.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган ташкил сиёсат программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социализм манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, тарих сабоқлари билан ҳисобла-

шишни истамаётган агрессив империалистик доираларга жисли равишда қаршилик кўрсатмоқдалар, тинчликни актив ҳимоя қилмоқ, империализм ва гумашталарнинг тақовузорлик ҳаракатларига зарба уюштироқ учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар, уруш ва реакция кучларига қарши одиона кураш олиб бораётган қаҳрамон. Ўзбекистон халқига, Хитойнинг бошқа мамлакатларидаги ватандарларга араб, мамлакатларининг халқларига ёрдам ва мадад бермоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга социализм ва коммунизм қуриш учун қулай шарт-шароит таъминлашга, халқаро пексинлини юмшатишга ҳамда Европа халфсизлигини ва халқаро халфсизлигини мустақамлашга қаратилган ленинча тинчлик сиёсатини ўтказиш билан бирга тинчлик душманларининг кирди-корларини хушёрлик билан қувайтириб турибдилар. Ватанимизнинг муҳофаа қудратини кучайтириб турибдилар. Қуролини Кучларини янада мустақамлаш тўғрисида тинимам гамхўрлик қилмоқдалар. Ўз ватанига, коммунизм ишига чексиз берилган, шонли жанговар традицияларга содиқ бўлган совет жангчилари ҳар доим жанговар таёёр ҳолда турибдилар ва Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армияларидан билан бирга социализмининг улуғ ғалабасини забардаст бўлиб муҳофаа қилмоқдалар.

Армия ва Флотнинг шахсий составини, улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини умумхалқ байрами — Ғалаба кунини бадириқ билан таъбирқиланган ва қутлайман. Совет жангчиларига СССР Қуролини Кучларининг жанговар қувватини янада тақомиллаштириш ишида янги муваффақиятлар тилайман.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган кунининг 27 йиллигини янгилаш юзасидан буюраман: Бугун, 9 май, маҳаллий вақт билан совет 21 да Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, Қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Мурманск, Свердловск, Новосибирск, Хабаровск, Владивосток шаҳарларида ўттиз марта тўп отилиб салют берилсин.

Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролини Кучлари! Яшасин қардош халқларнинг бузилмас бирлиги тўғрисида бақувват ва энгилмас улуғ социалистик Ватан — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомини ва ташкилотчи — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини шон-шарафлар!

СССР муҳофаа министри Совет Иттифоқи маршали А. ГРЕЧКО.



Янгийўл райони хўжаликларида гўза қатор ораларига ишлов бериш бошланиб кетди. Суратда: Калинин номи колхозининг тажрибали сувчиси Норбек Нўдоев сув тарамоқда. А. Абалин фотоси.

СУТ СОГУВЧИЛАР АХДИ

14-«Хўжайкент» совхозининг сут-товар фермасида ташкил қилинган комсомол-ёшлар эвеноси ўтган йилги тошйирларнинг 137 процент бакариб, ҳар бош сиғирдан ўртача 2052 килограмдан сут соғиб олган эдилар.

Комсомол қизлар ўзаро мусобақалашиб мажбуриятларини қайта қўриб чиқдилар, тўқтинчи беш йиллик планини тўрт йилда бақаришга аҳд қилдилар. Айни кунларда улар бу йилги ярим йиллик планларини муқаддатдан олдин бақариш, иккинчи ярим йиллик ҳисобига меҳнат қилаштилари.

ЮЗ СОВЛИҚДАН 115 ҚЎЗИ

«Қозғористон СССР 30 йиллик» колхозини чорвалари тор-ва молларини қишлоқдан сеним ва соғлом олиб чиқдилар. Шунинг учун қўзиларни кампанияси муваффақиятли ўтказилди. Айниқса, ёш чўпон Рихсенбой Халилов отарида эришилган ютуқлар қувончли бўлди. У ўз отаридаги 320 бош она қўзининг ҳар юз бошдан 115 тадан қўзи олишга муяссар бўлди. Олинган қўзилар зооветеринария қондалари асосида парвартиш қилинмоқда.

Х. ХОЛМАТОВ.
Бўстонқўй райони.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Янгийўл районидати Свердлов номи совхозининг алгор соғувчиларидан Нури Мирахметова, Матлуба Султонова, Инобат Турдалиева ва Шарофат Азимова ўзаро мусобақалашдилар. Улар ўзларига биритилган ҳар бир соғини сиғирдан кўнгина 8-10 килограмдан сержаймоқ сўт соғиб олишга эришдилар. Бу ҳевар соғувчилар янги охиригача ҳар бир сиғирдан 2500—2600 килограмдан сўт соғиб олишга эришиш учун курашмоқдалар. Х. САРИМСОҚОВ

17. 11.10.